
ТУРКИЯ БЎЙЛАБ 1000 НАФАРДАН ЗИЁД ЁШ ИШБИЛАРМОНЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН TÜGİAD УЮШМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Амалий ташриф билан Туркияда бўлиб турган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги Фарғона вилояти делегацияси вакиллари Истанбулда TÜGİAD – Туркия ёш ишбилармонлари уюшмаси раҳбарияти ҳамда аъзолари билан учрашув ўтказдилар.

Туркия бўйлаб қурилиш, текстиль, ташқи савдо, автомобилсозлик, машинасозлик, металлургия, туризм, озиқ-овқат саноати, мебель саноати каби 60 дан зиёд секторда фаолият олиб бораётган 1000 нафардан зиёд 35 ёшгача бўлган ёш ишбилармонларни бирлаштирган TÜGİAD уюшмасига аъзо компанияларнинг йиллик айланмаси 60 млрд. доллардан, йиллик умумий экспорти ҳажми 36 млрд. доллардан ошади. Уюшма президенти Гюркан Йилдирим айти вақтда 500 мингдан зиёд аъзога эга Европа Ёш Ишбилармонлар Конфедерацияси (YES for Europe) бошқарув кенгаши раиси ҳам ҳисобланади.

Самарали ўтган учрашувда вилоятимиз ҳудудида металлургия, тиббиёт, рақамли таълим, мебелсозлик соҳаларида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича дастлабки келишувларга эришилди, яқин муддатда TÜGİAD аъзоларидан иборат делегациянинг Фарғонага ташрифи ташкилланадиган бўлди.

Шунингдек, Туркия ёш ишбилармонлари уюшмасининг Ўзбекистонда ваколатхонасини очиш бўйича ҳам ҳамкорликда иш ташкил этилиши белгиланди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-06-08 15:27:37